

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА РАШИДАХОН МУҚИМОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА САНАТОРИЙ ВА КУРОРТ МУАССАСАЛАРИНИНГ  
ФАОЛИЯТИ (1925–1991 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

УЎК: 94:615.838 (575.1)  
94:614.215 (575.1)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Аҳмедова Рашида Муқимовна**

Ўзбекистонда санаторий ва курорт муассасаларининг фаолияти  
(1925– 1991йй.).....3

**Ахмедова Рашида Муқимовна**

Деятельность санаторных и курортных учреждений в Узбекистане  
(1925– 1991гг.).....27

**Akhmedova Rashida Mukimovna**

Activities of sanatorium-resort institutions in Uzbekistan  
(1925– 1991years).....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications .....55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА РАШИДАХОН МУҚИМОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА САНАТОРИЙ ВА КУРОРТ МУАССАСАЛАРИНИНГ  
ФАОЛИЯТИ (1925–1991 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tar300 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шадманова Санавар Базарбаевна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ишанходжаева Замира Раимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Мўминова Гавхар Эсоновна**  
тарих фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21; (99871)246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Маврулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Д.Ж.Ураков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Н.У.Мусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида рўй бераётган иқлим ўзгаришлари, атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши, айниқса, бугунги кунда пандемия шароитида инсон саломатлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли дунёнинг кўплаб давлатларида тиббиётга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида санаторий ва курортлар етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мазкур тузилмалар нафақат дам олиш маскани, балки инсон соғлиғини тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ва жамиятда инсон саломатлигини таъминлаш санаторий ва курорт тизимининг функционал вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва тегишли олий таълим муассасаларида аҳолига тор ихтисосликларда даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш, даволаш-соғломлаштиришнинг инновацион усуллари жорий қилиш, санаторийлардаги оддий медицина хизматларини ташкил қилиш классификаторларини ишлаб чиқиш, самарали бошқариш учун комплекс маълумотлар базасини шакллантириш, санаторий ва курортларда даволаш стандартларини такомиллаштиришни ўрганишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур ишлар курорт тизими шаклланиши тарихига оид илмий ёндашувлар ишлаб чиқишига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида замонавий тиббиётни ривожлантириш борасида ислохотлар жараёнида халқимиз ўтмишда кенг фойдаланган тиббий билимлар ва анъанавий халқ табобатига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган ишларни мустаҳкамлаш<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Зеро, халқ табобати ва тиббиёт тарихини ўрганиш ҳамда кўп асрлик тажрибадан замонавий тиббиётда унумли фойдаланиш катта илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 августдаги ВМҚ-217-сон «Чорвоқ» оромгоҳи соғломлаштириш маркази фаолиятини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 1 февралдаги ВМҚ-26-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида тиббий ва санаторий-курорт

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.  
<http://lex.uz/docs/3107036>

таъминоти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2013 йил 18 февралдаги ВМҚ-45-сон «Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Оқ-tosh sanatoriysi» МЧЖ курорт-реабилитация санаторийсини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъърий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларидан бири – тиббиёт тарихи доимо тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. XIX аср охири – XX аср бошларидаёқ ўлкада тиббиёт ва халқ табobati тарихига доир қатор асарлар, ўнлаб мақолалар нашр этилган<sup>2</sup>. Уларнинг муаллифлари тиббиёт, ветеринария, санитарий соҳаларида анча бой тажрибага эга мутахассислар бўлиб, ҳар бир соҳада маҳаллий тажриба ва анъаналар, муаммоларни акс эттирувчи қимматли маълумотлар тўплаганлар.

Мавзуга доир илмий адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади: 1) Россия империяси ва совет даврида нашр этилган адабиётлар; 2) мустақиллик даврида яратилган илмий ишлар; 3) хорижий нашрлар.

Биринчи гуруҳга доир адабиётларни Россия империяси ҳамда совет даврида яратилган илмий-тадқиқотлар ташкил этиб, бу борадаги дастлабки тадқиқотлар: В.И. Кушелевский Г.А.Колосов, А.Л.Шварц, И.П.Суворов, А.В.Пославская, Е.Н. Мандельштам, Н.Б.Тейх, Д.Н.Логофет, Г.М.Леонов, П.П.Сакрич, К.М.Афрамович, И.Д.Успенский<sup>3</sup> каби олимлар томонидан ўрганилган.

---

<sup>2</sup> Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. В 3-х томах. – Новый Маргелан, 1890-1891; Колосов Г.А. О народном врачевании у сартов и киргизов Туркестана // Медицинская помощь инородцам и их отношение к русским врачам. - СПб., 1903.

<sup>3</sup> Шварц А.Л. 25-летие первой мужской лечебницы в туземной части Ташкента. – Ташкент, 1911; Шишов А.Л. Саргы. Этнографическое и антропологическое исследование. Ч. 1. Этнография. – Ташкент, 1905; Суворов И.П. Санитарное состояние Туркестанского края в 1875-1883 гг // Туркестанские ведомости. – 1884. – №25; Суворов И., Тейх Н. О минеральном источнике Ара-шанбулак, находящемся близ верховьев одного из притоков с правой стороны р. Ангрен, Кульсу // Медицинский журнал. 1872, – №10; Пославская А.В., Мандельштам Е.Н. Обзор десятилетней деятельности амбулаторной лечебницы для туземных женщин и детей в Ташкенте. – Ташкент, 1894; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912; Тейх Н.Б. Исторический очерк устройство химической лаборатории и 25-летней её деятельности (19 декабря 1869 г - 1 января 1895 г). – Ташкент, 1897; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протектором. – Ташкент, 1 – СПб., 1911; Леонов Г. Солёные озера Самаркандской и Сырдарьинской области / Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. – Ташкент, 1896; Сакирич П.П. Заметка о Хазрет-Аюбских минеральных источниках // Туркестанские ведомости, –1882, – №30; Шиманский. Еще несколько слов о Чимганской санитарной станции // Туркестанские ведомости, – 1886, – №15; Афрамович К.М. Озеро Туз-кан / Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1896, Маев. Н.О. Тузкан / Туркестанские ведомости. – 1906, – №58; Успенский И.Д. Кара-Тюбинская санитарно-гигиеническая станция / Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1896.

Совет даврида яратилган тадқиқотлар қаторига Е.А.Нильсен, Б.В.Лунин, Н.М.Махмудова, Т.А.Улуғхаджаев, В.М.Файбушевич, З.М.Махаматалиев, С.Н.Бабаджанов, Р.И.Евсеев, Б.М.Беньяминович, Б.А.Бедер, А.А.Шукуров, Р.П.Пўлатов, М.И.Кетко, М.В.Антонова, А.М.Худойберганов, З.И.Цветкова, Х.А.Джалилов, М.Х.Юлдашева, М.Ю.Алимова<sup>4</sup> каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳдаги адабиётларга мустақиллик йилларида санаторий ва курортлар тарихига бағишланган Т.З.Азизов, З.А.Мингалиев, А.А.Тошбоев, М.С.Шафиқова, Л.Г. Мирсайдуллаев, Ш.Н.Абдуназаров, Ю.А.Муталов, А.А.Йўлдашев, К.Х. Раҳмонов, Л.К.Боймирзаева, М.М.Боймирзаев<sup>5</sup>лар изланишларини киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ хорижий нашрлар бўлиб, ушбу соҳани ўрганишда хорижий тадқиқотчиларнинг асарлари ҳам диққатга сазовордир. М.Албу, Д.Банкс, О.Кулосжарви, А.Паровский, А.Ветитнев, Л.Журавлева, Ф.Диманче, Б. Придокс, И.Шикломанов, Р. Криггер, Х.Наш каби олимлар томонидан яратилган асарларда жаҳон мамлакатларидаги шифобахш минерал сувлар,

---

<sup>4</sup> Файбушевич В.М. Наши достижения, недостатки и задачи / Труды Государственного научного института курортологии и физиотерапии им. Н.А.Семашко. Том II. – Ташкент, 1934; Нильсен Е.А. Проблемы курортного строительства в Узбекистане // За социалистическое здравоохранение Узбекистана. – №3-4, 1934; Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность (Конец XIX - начало XX века). – Ташкент, 1962; Физические и курортные факторы Узбекистана на службе здравоохранения. Сб. науч.(ред. Кол.: С. Н. Бабаджанов). 1984; Улуғхаджаев Т. Эффективность этапной диспансеризаций детей больных экземой, псориазом и нейродермитом, с применением йодобромных вод курорта Чартак // Автореф.дисс...док.мед.наук. – Киев, 1987; Файбушевич В.М. Чортоқ курорти. – Ташкент, 1952; Файбушевич В.М. Ўзбекистоннинг курорт бойликлари. – Тошкент, 1953; Файбушевич В.М. Чортоқ курорти Ўзбекистоннинг тўнғич бальнеологик курорти. – Тошкент, 1954; Махаматалиев З. Курортно-климатические ресурсы Узбекской ССР. – Ташкент, 1972; Евсеев Р. И., Беньяминович Б.М. Курортные ресурсы Узбекистана / Труды Гос. науч. ин-та физиотер. и курортол. им. Семашко. – Ташкент, 1934; Евсеев Р.И., Бедер Б.А. Курортные ресурсы Узбекистана / Труды Государственного научного института физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко. Сборник IV. – Ташкент: 1935; Махмудова Н.М. Очерки истории развития внутренней медицины в Узбекистане. – Ташкент, 1969; Шукуров А.А., Пўлатов Р.П. Узбекскому Научно-исследовательскому институту курортологии и физиотерапии им. Семашко – 60 лет // Медицинский журнал Узбекистана. 1979, – № 5; Антонова М.В. Краткие итоги лечебной работы бальнеологического стационара в Чимене 1949 г / Трудов Узбекского государственного научно-исследовательского института курортологии и физиотерапии им. Н.А.Семашко. Том II. – Ташкент, 1951; Кетко М.И.Формы и методы организации физиотерапии и курортного дела в УзССР за 50 лет / Актуальные вопросы курортологии и физиотерапии в Узбекистане. Том 22. – Ташкент, 1973; Худойберганов А.М. На пути к знаменательному юбилею // Медицинский журнал Узбекистана, 1982, – №12; Шукуров А.К. Развитие физиотерапии и курортологии в Узбекистане за 50 лет (1924-1974 г) / Актуальные вопросы курортологии и физиотерапии в Узбекистане. Том 24. – Ташкент, 1975; Цветкова З.И. Состояние и перспективы развития здравниц профсоюзов Узбекской ССР / Актуальные вопросы курортологии и физиотерапии в Узбекистане. Том 25. – Ташкент, 1976; Джалилов Х.А. Санаторно-курортное обслуживание и организация отдыха трудящихся в Узбекистане / Актуальные вопросы курортологии и физиотерапии в Узбекистане. Том 27. – Ташкент, 1978; А.К.Шукуров и др. Состояние и перспективы развития физиотерапевтической и курортно-санаторной помощи населению Самаркандской области / Актуальные вопросы курортологии и физиотерапии в Узбекистане. Том 27. – Ташкент, 1978; Юлдашева М.Х., Алимова М.Ю., Тазиев М.Э. Состояние лечебно - профилактической помощи трудящимся в условиях санаториев - профилакториев // Медицинский журнал Узбекистана. 1985, – № 6. – С. 3-5.

<sup>5</sup> Азизов Т.З., Мингалиев З.А Мўъжиза сув. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Тошбоев А.А., Шафиқова М.С., Мирсайдуллаев М.М. Чортоқ курорти саломатлик маркази. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Тошбоев А.А., Абдуназаров Ш.Н., Муталов Ю.А. Чортоқ курортининг мўъжизакор шифобахш омиллари. – Наманган, 2007; Йўлдашев А.А., Раҳмонов К.Х. Фарғона мўъжизаси. – Тошкент, 2009; Раҳмонов К.Х., Боймирзаев М.М. Оилангиз бахтингиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Тошбоев А.А., Абдуназаров Ш.Н., Қирғизов З.К. Чортоқ курорти маъданли сувининг мўъжизалари. – Наманган, 2019.

уларнинг манбалари, шифо масканлари, мазкур муассасаларнинг инсон саломатлиги учун муҳим бўлган жиҳатлари ҳақида маълумотлар келтирилган<sup>6</sup>.

Кўрсатиб ўтилган тадқиқотларга қарамай, 1925–1991 йилларда республикада ҳозирги кунга қадар мавжуд шифобахш минерал сув ва балчиқ кўллариининг хусусиятларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш тарихини қиёсий таҳлил асосида, шунингдек, ўрганилган давр санаторий-курортлар соҳасида кадрлар масаласидаги ҳамда хўжалик ишларини ташкил этишдаги мавжуд муаммоларни ёритиб берувчи тадқиқот яратилмаган. Шунинг учун бу борада илмий изланишлар олиб бориш долзарб аҳамиятга эга

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Қўқон давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлар режаси ҳамда ЎзР ФА Тарих институтининг ПЗ201709621162 «XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда тиббиёт ва халқ табobati (форс ва туркий тиллардаги тошбосма асарлари, архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материалларини тизимлаштириш ва таҳлил этиш)» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1925–1991 йилларда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган курорт ва санаторийлар тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

санаторий-курортлар тарихига оид тадқиқотларни таҳлил қилиш;  
тиббиёт тарихига оид янги маълумотлар берувчи тарихий ҳужжатлар ва бошқа турдаги манбаларни илмий муомалага киритиш;

аҳолининг табиий омиллардан ўз билганича фойдаланиши, минерал манбалар, шифобахш балчиқ кўллари, шифобахш сувлар негизида дастлабки шифо масканларининг вужудга келишини таҳлил этиш;

Ўзбекистон ҳудудида XX аср бошларида янги табиий манбаларнинг ўрганилиши натижасида шаклланган санаторий ва курортлар фаолияти тарихини очиб бериш;

ўрганилган табиий минерал ресурсларнинг санаторий ва курортларнинг ташкил этилишидаги ўрни, инсонлар саломатлигидаги аҳамияти ва уларнинг янги билимларни шаклланишидаги ўрнини кўрсатиб бериш;

дастлабки шифо масканларида хўжалик ишларининг йўлга қўйилиши, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўлларига доир масалаларни ўрганиш;

санаторий-курорт муассасаларида кадрлар масаласи, мавжуд муаммолар ва кадрлар таркиби эволюциясини қиёсий таҳлил этиш;

---

<sup>6</sup> Outi Kulusjarvi. Resort-tourism development and local tourism networks: A case study from Northern Finland. – Finland, 2016; Adam Porowski. Mineral and thermal Waters. – Poland, 2016; Galina Romanova, Alexandr Vetitnev and Frideric Dimanche. Health and Wellness Tourism. - Sochi State University, Ryerson University, 2016; Shiklomanov I. World fresh water resours. In: Gleick PH(ed) Water in crisis: a guide to the world's fresh water resours. – Oxford University Press: New York, 1993; Krieger R.A. The chemistry of saline waters. Groundwater 1 (4); Albu M. Banks D. Nash H. Mineral and thermal groundwater resources. – Springer, Dordecht, 1997.



санаторий-курортларда даволаш ишларининг амалга оширилиши ва ундаги ўзгаришлар жараёнини ўрганиш;

санаторий-курортлар ишини ривожлантириш мақсадида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг йўлга қўйилиши ва ундаги ўзгаришларни таҳлил қилишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистондаги санаторий ва курортлар фаолияти белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни 1925–1991 йилларда Ўзбекистонда санаторий ва курорт ишининг ҳолати, шунингдек, мазкур соҳада рўй берган ўзгаришлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, кадрлар билан таъминлаш, соҳада эришилган ютуқ ва муаммоларни ўз ичига олган масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихийлик тамойили, фанлараро ёндашув, қиёсий ва миқдорий таҳлил, тизимлаштириш, муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда санаторий ва курортлар шаклланиши жараёни учта босқичда амалга оширилиб, унда, дастлаб, умумий соғломлаштириш санаторийларининг ташкил топиши; сил касалига чалинган беморларни даволовчи санаторийларнинг фаолияти ҳамда маълум бир касалликлар бўйича махсус санаторийларнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолатлар исботланган;

ушбу тизимда илмий тадқиқотларнинг йўлга қўйилиши ва амалга оширилган ишлар натижасида маълум бир касалликка чалинган беморларни даволовчи санаторийларнинг вужудга келганлиги, мазкур тузилмалар географияси кўрсатилиши орқали ушбу шифо масканлари, асосан, минерал ресурслар мавжуд ҳудудларда барпо қилинганлиги асосланган;

курорт ҳамда санаторий фаолиятидаги бошқарув бир нечта муассасалар (Соғлиқни сақлаш вазирлиги, касаба уюшмаси ва бошқа турли вазирликлар) томонидан олиб борилганлиги оқибатида мазкур шифо масканларининг фаолиятини мувофиқлаштириш сушт бўлганлиги ва натижада, аҳолини соғломлаштириш муассасаларига қамраб олиш жараёнларида қийинчиликлар юзага келганлиги далилланган;

санаторий ва курортлар моддий-техник базасининг яхши бўлмаганлиги, мутахасис кадрлар етишмаганлиги ҳамда ижтимоий инфраструктура етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида шифо масканлари, асосан, дам олиш муассасаларига айланиб қолганлиги ҳамда аҳолига етарлича тиббий хизмат кўрсатмаслик ҳолатлари ҳам учраганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда шифобахш табиий омилларнинг ўрганилиши, санаторий-курортларнинг вужудга келиши, XX асрнинг биринчи чорагидаги ҳамда 1990 йиллардаги уларнинг ҳолати ҳақида маълумот берувчи 50 дан ортиқ архив фондлари ҳужжатлари илмий муомалага киритилган;

санаторий-курортлар ташкил этиш мақсадида рўйхатга олинган минерал сув ва шифобахш балчиқ омиллари ўрганилиши бўйича амалга оширилган ишлар аниқланган;

санаторий ва курортларнинг соғлиқни сақлаш тизимида тутган ўрни Ватан тарихшунослигида илк бор 1925–1991 йиллар доирасида тадқиқ этилиб, илмий изланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўйилган масалалар 1925–1991 йилларда Ўзбекистонда санаторий-курорт муассасаларининг вужудга келиши ва ривожланишига доир архив ҳужжатлари, жумладан, республика<sup>7</sup>, Андижон<sup>8</sup>, Наманган<sup>9</sup> ва Фарғона<sup>10</sup> вилояти архив фондларидаги ҳужжатлар, даврий матбуот материаллари<sup>11</sup> асосида ёзилгани, санаторий-курорт муассасаларида шифокорлар, хамширалар ва даволанувчилар орасида ижтимоий сўровномалар<sup>12</sup> ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари ваколатили тузулмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти изланишлар натижасида тўпланган маълумотлар, хулосалар, назарий умумлаштирмалар Ўзбекистонда тиббиёт тарихига оид тарихий тадқиқот усуллари ҳамда санаторий-курортлар тарихига доир маълумотларни бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан соғлиқни сақлаш тизими билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, диссертациянинг материаллари ва назарий хулосаларидан эса дарслик, ўқув қўлланма ҳамда монографиялар тайёрлашда хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1925–1991 йилларда Ўзбекистонда санаторий ва курорт муассасаларининг фаолияти ҳамда ривожланишини тадқиқ этиш бўйича қўлга киритилган натижалар, илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўзбекистонда санаторий-курорт муассасаларининг фаолияти ва улар ривожланишининг тарихий жараёнлари, дастлабки шифо масканларининг вужудга келиши, собиқ совет Иттифоқи ҳукмронлиги йилларида санаторий-курорт соҳасининг ривожланиши, илмий экспедициялар ва илмий-тадқиқот

<sup>7</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р.16-фонд, Р.25-фонд, Р.39-фонд, Р.40-фонд, Р.90-фонд, Р.95-фонд, Р.736-фонд, Р.737-фонд, Р.837-фонд, Р.2700-фонд; Ўзбекистон Илмий-техникавий ва тиббий ҳужжатлар Миллий архиви (Ўзбекистон ИТТХ МА). Р.14-фонд.

<sup>8</sup> Андижон вилоят давлат архиви (Андижон ВДА). 607-фонд.

<sup>9</sup> Наманган вилоят давлат архиви (Наманган ВДА). 111-фонд.

<sup>10</sup> Фарғона вилоят давлат архиви (Наманган ВДА). 168-фонд.

<sup>11</sup> Қизил Ўзбекистон, 1956, 20 июль; Медицинский журнал Узбекистана. – Ташкент, 1958. – № 7. – С.30, 1972. – № 4. – С.81-82; 1972. – № 9. – С.79-80; 1972. – №12. – С.70; 1977. – № 4. – С.37; 1977. – №4. – С.40; 1980. – №11. – С.89-90; 1982. – №12. – С.7; 1985. – №6. – С.3-4; 1988. – №11. – С.73; За социалистическое здравоохранение Узбекистана. – Ташкент, 1933. – №8. – С.3; 1934. – №3-4. – С.23 ва б.

<sup>12</sup> “Ўзбекистонда санаторий-курорт тизими вужудга келиши ва ривожланиши (1925-1991 йй.)” мавзуида сўровнома шаклидаги ижтимоий тадқиқот ўтказилди. Унда иштирок этганларнинг 25 фоизини шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар, 25 фоизини дам олувчилар ташкил қилди. Ёш таркиби бўйича эса, 70-80 (20 фоиз), 60-70 (5 фоиз) ёшдаги ходимлар, 70-80 (22 фоиз), 60-70 (3 фоиз) ёшдаги даволанувчилар иштирок этдилар. Тадқиқотда 80 та сўровнома тарқатилган бўлиб, шундан 50 таси яроқли деб топилиб, сўровномада мавзуга оид жами 20 та савол ўрин олган эди. Унда сиҳатгоҳларнинг асосий хусусиятлари инобатга олинган.

ишларининг моҳиятини акс эттирувчи маълумотлардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг “Тиббиёт тарихи” бўлимининг экспонатларини янги материаллар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2020 йил 10 февралдаги 01-12-10-604-сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашидаги Санаторий-курортлар бошқармасининг 2020 йил 20 июлдаги АА.05/203-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда санаторий ва курортлар тарихининг ўзига хос томонлари ёритилган фотосуратлар ва архив манбалари асосида янги экспозицияларни яратиш ва кенг оммага тақдим этиш имконияти яратилди.

Ўзбекистонда санаторий ва курортлар шаклланиши жараёни учта босқичда амалга оширилиши, умумий соғломлаштириш санаторийларининг ташкил топиши, сил касалига чалинган беморларни даволовчи санаторийларнинг фаолияти, маълум бир касалликлар бўйича махсус санаторийларнинг шаклланиши тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалида 2020 йил 6 февралда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” давлат унитар корхонасининг 2020 йил 10 февралдаги 02-40-312-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар телетомошабинларнинг Ўзбекистонда санаторий ва курорт муассасаларининг фаолияти тўғрисида янги илмий маълумотларга эга бўлишига хизмат қилади;

курорт ҳамда санаторийлар фаолиятини мувофиқлаштириш тизими, аҳолини соғломлаштириш муассасалари қамрови, санаторий ва курортларнинг моддий-техник базаси, кадрлар ва ижтимоий инфраструктураси масалаларига оид илмий хулоса ва натижалардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалида 2020 йил 27 февралда эфирга узатилган “Табобат тарихи” кўрсатувининг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” давлат унитар корхонасининг 2020 йил 28 февралдаги 13-13-442-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу маълумотлар томошабинларнинг санаторий ва курортлар тарихи тўғрисидаги тасаввурларини бойитишга ҳамда янги илмий маълумотларга эга бўлишларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 5 та халқаро конференция ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқотнинг таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертация матнининг умумий ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблигига асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги баён қилиниб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Санаторий ва курортларнинг шаклланиши ҳамда ривожланиш тарихи**» деб номланган биринчи бобининг *биринчи параграфида* Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки шифо масканларининг вужудга келиши таҳлил қилиниб, ҳудудда санаторий-курортлар ташкил этиш учун қулай масканлар мавжуд бўлганлиги очиқ берилган.

XIX асрнинг 70-йилларида шифокорлар даволашда қўлланиладиган минерал сувларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб минерал манбалар ҳақида қимматли маълумотлар қолдиришган. Мисол учун, шифокор Кушелевский Жалолободда машҳур Ҳазрат Аюб суви ҳақида, Педовдаги олтингургут-ишқорли булоқлар ва Ахсикент шўр кўллари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Ўша давр газеталаридан бири бўлган “Туркестанские ведомости” саҳифаларида шифокор Шиманскийнинг Чимён санитар станцияси ва П.П.Сакиричнинг Ҳазрат Аюб минерал булоғи ҳақидаги мақолалари нашр қилинган.

Бу даврда мутахассислар беморларни даволашда бошқа кўлларга ҳам эътибор қаратишни бошлайдилар. Шунингдек, улар туз ва бошқа минералларни қайта ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллайдилар. Мисол учун, тоғ муҳандиси Г.Леонов туз-балчиқли Тузкон кўлини батафсил тасвирлаб беради ҳамда Жиззах уезди Кўктуба волостида жойлашган бу кўлдан даволанишда фойдаланишни тавсия қилади<sup>13</sup>.

Туркистоннинг барча вилоятларида минералга бой, шўр, шифобахш балчиқли булоқлар кўп бўлиб, улар, асосан, аҳоли пунктларидан узоқда бўлиб, тоғ йўллари орқали бориладиган масканларда жойлашган эди. Н.Б.Тейх томонидан Арасон-Булоқ, Жалолобод-Аюб, Об-шифо, Гулча каби

---

<sup>13</sup> Леонов Г. Солёные озера Самаркандской и Сырдарьинской областей / Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. – Ташкент, 1896. – С. 166 – 167.

булоқлар ўрганилган ва уларнинг физик-кимёвий тадқиқотлари натижалари келтирилган<sup>14</sup>.

Касалликларни даволовчи дастлабки европача турдаги курорт Ўрта Осиёда Янги Марғилон ва Андижонда шифокор бўлиб ишлаган И.Бунин томонидан, Қўқон уездида жойлашган Педов кишлоғида 1881 йили ташкил қилинган. Мазкур курортни ташкил этиш учун И.Бунин давлатдан озроқ субсидия олади, аммо асосий маблағни ўз ҳисобидан ишлатади. У Педовда олтингугурт ва ишқорли булоқда 8 та ванна ҳамда 28 та кичик хоналардан иборат 3 каркасли ёғоч уй қурдиради. Курорт ҳудудида 12 мингга яқин турли дарахтлар экилади. Курорт 1883 йил И.Буниннинг ўлимига қадар фаолият юритган ҳамда 1885 йилда бу ерда Жалолобод-Аюб ҳарбий-санитар станцияси барпо қилинган<sup>15</sup>.

1917 йилгача Туркистонда Арасан булоқ, Олой, Болғали, Гримчашма, Қўтирбулоқ, Заркент, Қайнарбулоқ, Ўзчаксой, Педов ва Хўжаипак минерал манбалари аниқланган эди. 1921 йилда РСФСР Соғлиқни сақлаш Халқ комиссариати томонидан Ўрта Осиёдаги курорт жойларини тадқиқ этишга киришилди. Бунинг натижасида Ўрта Осиёда 107 та шифобахш жойлар номи рўйхатга киритилди<sup>16</sup>. Туркистон Республикаси ҳудудидаги курортлар давлат аҳамиятига молик ва маҳаллий аҳамиятга эга курортларга бўлинган. Давлат аҳамиятига молик курортлар РСФСР Ер ишлари бўйича Халқ комиссарлиги Бош курорт бошқармасига бевосита қарашли бўлган Туркистон Республикаси курорт бошқармасига бўйсунган<sup>17</sup>. Маҳаллий аҳамиятга эга Туркистон Республикаси курортлари Туркистон Республикаси соғлиқни сақлаш халқ комиссариатига қарашли бўлган<sup>18</sup>. 1923 йилда РСФСР соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги Туркистон Республикасидаги иккита курорт - Жалолобод ва Чимён курортларини давлат аҳамиятига молик курортлар қаторига киритган<sup>19</sup>.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* 1925–1991 йилларда Ўзбекистонда санаторий ва курортлар сонининг ошиши ҳамда мазкур тизимнинг ривожланиш жараёнлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, шифо масканларининг фаолиятини ўрганиш орқали ушбу соҳада янги турдаги даволаш усуллари кириб келганлиги очиб берилган.

Ўзбекистон ҳудудида курорт ва санаторийлар Ўзбекистон Министрлар Совети қарори асосида ташкил этилган ёки тугатилган. Мазкур санаторий ва курортларнинг аксарияти Ўзбекистон ССР Соғлиқни Сақлаш вазирлигига қарашли бўлган. Вазирликда Курорт ва санаторийлар бошқармаси мавжуд бўлган. Шунингдек, шифо масканларининг фаолиятига доир қарор ва буйруқлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган.

<sup>14</sup> Тейх Н.Б. Исторический очерк устройства Ташкентской химической лаборатории и двадцатипятилетней ее деятельности / Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. – Ташкент, 1897. – С. 113-127.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 100-иш, 32- варақ.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 737-фонд, 1-рўйхат, 393-иш, 4-варақ.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 39-фонд, 2-рўйхат, 440-иш, 81-81-варақ орқаси.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 95-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 43-43-варақ орқаси.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 787-фонд, 1-рўйхат, 393-иш, 4-варақ.

Санаторий ва курортлар мазкур ҳужжатлар асосида ўз низомларини ишлаб чиққан ва шу асосида фаолият юритган. Шу билан биргаликда, айрим вазирликларнинг ўз санаторий ва курортлари мавжуд бўлиб, уларда, асосан, ўша вазирлик тизимидаги муассасалар ходимлари дам олган ва даволанган.

Санаторий ва дам олиш зоналаридаги даволаниш ёки дам олиш муддатлари Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Касаба уюшмаси томонидан ўрнатилган тартиб асосида белгиланган. Санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг тармоқ бўйсунувидан қатъий назар курортларни бошқариш Касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган бўлса, даволаш, профилактика ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш ҳамда уларга илмий-методик маслаҳатлар бериш Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назорат қилинган.

Ўзбекистонда санаторий ва курорт соҳасининг ривожланишига Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институти катта ҳисса қўшган. Мазкур институт Туркистон Республикаси Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги буйруғига биноан Н.А. Семашко номидаги илмий-текшириш институти сифатида 1919 йил 6 февралда ташкил этилган эди<sup>20</sup>. 1922 йилда институт Семашко номидаги Туркистон Физиотерапевтик усуллар билан даволаш институти деб атала бошлади<sup>21</sup>. 1930 йилда унинг ўрнига “Семашко номидаги Физиотерапия ва онкология” институти вужудга келади ва 1932 йилда унинг Курортология бўлими ташкил этилади<sup>22</sup>. 1933 йил институт Семашко номидаги давлат Физиотерапия ва больнеология институти деб номланади. Шу йили институтда кардиология бўлими ўз фаолиятини бошлайди. 1934 йилда таянч-ҳаракат касалликларини даволовчи бўлим, 1935 йилда Функционал диагностика ва жисмоний терапия бўлими ташкил этилади<sup>23</sup>.

1946 йилда ЎзССР Министрлар Совети қарорига биноан Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институти қайта ташкил қилинади<sup>24</sup>. 1963 йилда Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институтидан Семашко номидаги Республика терапевтик клиник шифохонаси ажралиб чиқади. Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институти ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлигига бўйсунган<sup>25</sup>.

---

<sup>20</sup> Наша газета. 1919 йил, 9 февраль; Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 630-иш, 32- варақ.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 690-иш, 41-варақ.

<sup>22</sup> 1-е совещание физиотерапевтов и курортологов УзССР. Хроника / Труды Государственного научного института физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко. Сборник III. – Ташкент, 1935. – С. 151.

<sup>23</sup> Шукуров А.А., Пўлатов Р.П. Узбекскому научно-исследовательскому институту курортологии и физиотерапии им. Семашко // Медицинский журнал Узбекистана. – Ташкент, 1979, – № 5, – С. 33.

<sup>24</sup> Шукуров А.А., Пўлатов Р.П. Узбекскому научно-исследовательскому институту курортологии и физиотерапии им. Семашко // Медицинский журнал Узбекистана. 1979. – №5. – С.35.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 690-иш, 27-варақ.

1926 йил февралда Жисмоний усуллар билан даволаш Фарғона институти ташкил этилган<sup>26</sup>. 1927 йилда институт тўлиқ давлат бюджетига ўтказилади ва натижада, стационардаги ўринлар сони 44 тага етказилади. 1928–1929 йилларда унинг сони 60 та ўринга етказилиб, Ўзбекистондаги дастлабки курортдан ташқари, шифобахш лой билан даволаш ҳам йўлга қўйилади. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Фарғонадаги Физиотерапия институти стационарининг иккита асосий корпуси эвакуация госпиталига айлантирилади. 1942–1943 йилларда институт базасида 4-Москва тиббиёт институтининг клиникаси ташкил этилади. Уруш йилларида институт яраланган аскар ва зобитларни даволаш билан шуғулланади<sup>27</sup>.

1920 йилларда дам олиш уйлари ва санаторийларга “Хотин-қизларни болалари билан бирга жалб қилишни таъминлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинади<sup>28</sup>. 1930 йилларнинг охирида деярли барча вилоятларда болалар сил касалликларини даволовчи санаторийлар ташкил этилган. Уларнинг энг йириклари Водил (200 ўринли), Чуст (200 ўринли), Оғалиқ (250 ўринли), Бухоро (50 ўринли), Хоразм (200 ўринли) санаторийлари хисобланган. Мазкур санаторийларнинг ҳаммаси лаборатория, ренген кабинетлари, физиотерапия аппаратларига эга бўлган бўлиб, уларга Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институти ходимлари мунтазам равишда тиббий маслаҳат бериб туришган<sup>29</sup>.

Статистика маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, 1937 йилда Ўзбекистонда 2 минг 675 ўринлик курортлар мавжуд бўлган бўлса, улардан 750 таси больнеологик курортлар, 250 таси шаҳарга яқин санаторийлардаги ўринлар, 457 таси болалар учун мўлжалланган ўринлар эди. Бундан ташқари, ёз пайтида 9 минг 400 қўшимча ўринлар ташкил этилган<sup>30</sup>. 1930–1950 йилларда Тошкент вилоятидаги “Оқтош”<sup>31</sup>, “Арасан” ва “Гарим-чашма”, Самарқанд вилоятидаги “Оғалиқ”<sup>32</sup>, “Қоратепа” ва “Номозгоҳ”, Наманган вилоятидаги “Ғова”<sup>33</sup> ва “Аркит”<sup>34</sup>, Сурхондарё вилоятидаги “Дарбанд”<sup>35</sup> ва “Уч-қизил”, Қашқадарё вилоятидаги “Белбайма”, Тошкент шаҳридаги “Ореховая роща” ҳамда Фарғона вилоятидаги “Водил” каби санаторий ва курортлар аҳолига хизмат кўрсатган.

1950 йилларнинг ўрталарида республикада санаторий ва курортларнинг вужудга келиши давом этади. Уларнинг энг каттаси Наманган вилоятида жойлашган “Чортоқ” курорти бўлган. Мазкур курорт хунармандчилик

<sup>26</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 445-иш, 66-варак.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 445-иш, 72-варак.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 736-фонд, 1-рўйхат, 348-иш, 7-варак.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 445-иш, 84-варак орқаси.

<sup>30</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 133-иш, 69-варак.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўхат, 728-иш, 14-варак.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 133-иш, 1-2-варак.

<sup>33</sup> Файбушевич В.М.. Наши достижения, недостатки и задачи / Труды Государственного научного института курортологии и физиотерапии им. Н.А.Семашко. Том II. – Ташкент, 1934. – С. 109.

<sup>34</sup> Евсеев Р.И., Бедер Б.А. Курортные ресурсы Узбекистана / Труды Государственного научного института физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко. Сборник IV. – Ташкент, 1935. – С. 38.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 85-иш, 2-варак.

кооперациялари маблағига ташкил этилган<sup>36</sup>. Умуман олганда, курортда бир йилда 18,7 минг нафар бемор даволанган<sup>37</sup>. Ушбу курорт 1971 йил 17 март ойда Ўзбекистон Министрлар Советининг 104-сонли қарорига асосан, Республика миқёсидаги курортлар қаторига киритилган<sup>38</sup>.

1980 йилларда қурилиши режалаштирилган санаторий, профилакториялар, санаторий-пансионатлар ва дам олиш базаларини етарли даражада қуришга эътибор берилмаган. 1981–1985 йилларда “Ўзбекистон газ саноати уюшмаси” 425 ўринли санаторий-профилакторияни қуришни режалаштирган эди, жумладан, 1983 йилда Гулистонда 120 ўринли, Наманганда 105 ўринли ва 1985 йилда Муборак шаҳрида 200 ўринли санаторий-профилактория ишга туширилиши белгиланган эди. Аммо 1983 йилда Гулистондаги қурилиш 9 фоизга ва Намангандаги қурилиш 11 фоизга режада кўзда тутилган ишларни бажарган бўлса, Муборакдаги санаторий-профилактория қурилишига, умуман, киришилмаган<sup>39</sup>. Бунинг сабаблари сифатида соҳа раҳбарларининг белгиланган қурилиш ишларига масъулият билан ёндашмаганлиги натижасида қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмагани ҳамда транспорт воситалари етишмаслигини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, 1980 йилларда қишлоқ ҳудудларида маҳаллий амалдорлар ташаббуси билан бир қанча санаторий ва курортлар очила бошлайди. Масалан, 1981 йилда Фарғона области Киров райони Рапқон қишлоғида жойлашган “Шайтон кўл” массивида колхозчилар учун “Рапқон” профилакторияси ишга туширилган. Шу санаторийда 1983–1994 йилларда ординатор-шифокор сифатида фаолият юритган Усмонжон Қобилов маълумотларига кўра, “Рапқон” санаторийси Москва колхози раиси М.Мадаминов томонидан ташкил этилган. “Рапқон” санаторийси, дастлаб, 20 ўринга эга бўлиб, колхозчилар учун дам олиш уйи вазифасини бажарган. Кейинчалик бу ерга келувчиларнинг сони кўпайиб кетиши натижасида маблағ етишмай қола бошлаган. 1983 йилларда мазкур санаторий район колхозлараро “Рапқон” санаторий-профилакторияси номи билан ишлай бошлаган ҳамда 1989 йилдан бошлаб, “Ўзколхозздравница” балансига ўтказилган.

1988 йилда Сирдарё областида “Зомин” оналар ва болалар санаторийси очилади. Туркистон тоғ тизмаларининг денгиз сатҳидан 2 минг метр баландлигида жойлашган ушбу санаторийда республикадаги оналар ва болалар соғлиқларини тиклашган. 1989 йилда 574 ўринли “Зомин” санаторийсида 300 нафар атрофида киши дам олган<sup>40</sup>.

**Диссертациянинг «Санаторий ва курорт муассасаларида хўжалик ишларининг ташкил этилиши ҳамда кадрлар масаласи» номли иккинчи боби биринчи параграфиди** шифо масканларида дам олувчиларга яратилган

<sup>36</sup> Ўзбекистон Илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 533-иш, 4-варақ.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 837-фонд, 41-рўйхат, 4513-иш, 1-варақ.

<sup>38</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 837-фонд, 41-рўйхат, 4513-иш, 33-варақ.

<sup>39</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, 2700-фонд, 1-рўйхат, 2932-иш, 1-варақ.

<sup>40</sup> Икромов М. Зомин эътиборга муҳтож // Совет Ўзбекистони. – 1989. – 24 январь.



шароитлар ва муассасалар хўжалик ишларининг ташкил этилиши масалалари таҳлил қилинган.

1920 йиллар бошидан санаторий ва курортларнинг санитарий ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди<sup>41</sup>. Мазкур даврда энг муаммоли масала – шифо масканларини тоза сув билан таъминлаш масаласи эди. Мисол учун, Шоҳимардон курортини тоза сув билан таъминлаш булоқлар ёрдамида амалга оширилган. Бу булоқлар курорт ҳудудидан ташқарида жойлашган ва шу сабабли бу булоқларни ифлосланишдан ҳимоя қилишга ҳеч ким масъул бўлмаган. Шоҳимардон курортини санитар жиҳатдан ҳимоялаш зарурлиги унинг иккита қишлоқ – Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқлари ўртасида жойлашганлиги билан ҳам боғлиқ эди<sup>42</sup>. 1935 йилда “Шоҳимардон” курортининг сув билан таъминланиши ва сувнинг бактериалогик жиҳатдан ўрганилиши натижасида ариқ бошида, яъни Ёрдон қишлоғи (140 та хўжалик, 625 кишидан иборат қишлоқ) орқасида Дугоба дарёсидан оқиб келган сув ариқ бошида тоза бўлиб, у курортга келгунгача анча ифлосланган. Бу ифлосланиш аҳоли зич жойлашган қишлоқларда чиқиндилар ташланиши ҳисобига рўй берган<sup>43</sup>. Бундан ташқари, курорт ҳудудидан оқиб ўтувчи Оқсув дарёси пашшаларнинг кўпайишига сабаб бўлган ва бу эса безгак касалини ривожлантириш хавфини келтириб чиқарган. Шунинг учун ҳам курорт ҳудуди ва атрофидаги жойларнинг санитар аҳволини яхшилаш учун чора-тадбирлар кўриш зарурияти мавжуд эди<sup>44</sup>.

1930 йилларда санаторий ва курортларга водопровод олиб келиш масаласи кўтарила бошлайди. Масалан, 1935 йилда “Ҳавотоғ” санаторийсига Сурхондарёдан водопровод ўтказилган. Бу ерда лаборатория, савдо дўкони, ишчилар учун бараклар, таъмирлаш устахоналари мавжуд бўлган<sup>45</sup>. Шунингдек, 1936 йилда “Хўжа Ипак” курортидаги беморларни ичимлик суви билан таъминлаш учун Кўҳитанг дарёсидан 18 километрлик масофадан чучук сув олиб келиш зарур бўлган. Хўжалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган сув маҳаллий сув манбалари орқали таъминланган. Курортга яқин бўлган Дехқонобод қишлоғи томонидан ушбу сув манбасига келиш учун масофаси 51 км бўлган йўлни кенгайтириш, тозалаш, текислаш, кўприк қуриш керак эди. Курортни озиқ-овқат билан таъминлаш Кўҳитанг ва Дехқонобод қишлоқлари ҳамда курортнинг ўз хўжалиги томонидан таъминлаган. Эпидемиалогик нуқтаи назаридан сув манбасига яқин бўлган жойлар яхшилиги эътироф этилган<sup>46</sup>.

Мазкур соҳадаги камчиликлардан яна бири санаторий ва курортларнинг бино билан таъминланишига боғлиқ бўлган. Хусусан, 1928 йилда Тошкент вилоятидаги “Чимён” санаторийсининг баъзи бинолари

<sup>41</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 110-варак.

<sup>42</sup> Нильсен Е.А. Проблемы курортного строительства в Узбекистане // За социалистическое здравоохранение Узбекистана. 1934. – № 3-4. – С. 20.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 134- иш, 4- варак.

<sup>44</sup> Нильсен Е.А. Проблемы курортного строительства в Узбекистане // За социалистическое здравоохранение Узбекистана. 1934. – № 3-4. – С. 20.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 363-иш, 55-варак.

<sup>46</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 363-иш, 56- варак.

яроқсиз аҳволга келиб қолган. Бинонинг девори хом ғиштдан қурилган бўлиб, у ёрилиб кетган ва қулаб кетиш хавфи бор бўлган<sup>47</sup>. 1928 йилда ушбу санаторийни текширган комиссия бинони ёпишни ҳамда беморларни бошқа бинога кўчириш таклифини беради<sup>48</sup>. Мазкур муассасада бино билан боғлиқ муаммолар вужудга келаётганда, бошқа санаторийда атроф-муҳит билан боғлиқ камчиликлар кўзга ташланиб турган. Масалан, 1936 йилда Фарғона водийсидаги “Педов” санаторийсида 1920 йилларда мавжуд бўлган 12 мингта дарахтдан фақат бир нечта 10 таси сақланиб қолган ва қолганлари ўтинга ишлатиб юборилган<sup>49</sup>.

1950 йилларда ҳам бино билан боғлиқ муаммо сақланиб қолган эди. Масалан, “Водил” санаторийсида 260 ўринлик 4 та ётоқхона корпуси мавжуд бўлган. Шунингдек, маҳаллий типда қурилган корпус мавжуд бўлиб, унда ходимлар яшаган. Санаторийда кишки корпус бўлмаганлиги сабабли болалар мана шу ходимлар яшайдиган корпусга жойлаштирилган, бу эса санитарий талабларига умуман жавоб бермаган. Шу сабабли вилоят санитарий станцияси болаларни бу бинога жойлаштиришга қатъиян қарши бўлган. Санаторийдаги барча бинолар капитал ва жорий таъмирлашга муҳтож бўлган<sup>50</sup>.

Болалар санаторийсидаги муҳим масалалардан бири уларни озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи эди. 1953 йилда “Ёнғоқзор” болалар туберкулёзи санаторийсида бир кунда 1 та болага 8 рубль 24 копеек ажратилган бўлиб, қуйидагича озиқ-овқат кунлик нормаси белгиланган: 75 гр ёрма, 400 гр картошка, 350 гр сабзавот, 60 гр шакар, 180 гр гўшт ва балиқ, 500 гр сут, 20 гр сарёғ, 40 гр эритилган ёғ<sup>51</sup>. Санаторий ва курортлар, одатда, шаҳар озиқ-овқат савдоси томонидан озиқ-овқат билан таъминланган. Шунингдек, айрим санаторий ёки курортларнинг ўз деҳқончилик ерлари мавжуд бўлиб, улар ушбу шифо масканини озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Масалан, “Водил” санаторийсининг 35 гектарга эга ёрдамчи хўжалиги уни етарли даражада мева билан таъминлаш имкониятини берган. Шунингдек, ушбу ёрдамчи хўжаликда чорва фермаси ҳам бўлган ва бу болаларни қисман бўлсада сут билан таъминлаш имконини берган<sup>52</sup>.

1976–1982 йилларда Ўзбекистон ССР аҳолисининг санаторий ва курортларда даволанишини ташкиллаштириш бўйича анча орқада эди. Ўзбекистон ССР Касаба уюшмаси, вазирликлар ва бошқа муассасалар дам олиш муассасаларини муддатида қуриб битказиш ва эксплуатация қилиш чора-тадбирларини амалга оширмаган ва бундан ташқари, шифо масканлари

---

<sup>47</sup> Антонова М.В. Краткие итоги лечебной работы бальнеологического стационара в Чимене 1949 г. Вопросы курортного дела в Узбекистане / Сборник XII. Трудов Узбекского государственного научно-исследовательского института курортологии и физиотерапии им. Н.А.Семашко. Том II. – Ташкент, 1951. – С. 120.

<sup>48</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 40- фонд, 1-рўйхат, 416-иш, 271-варак.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14 фонд, 1-рўйхат, 100- иш, 32- варак.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 449-иш, 39-варак.

<sup>51</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 446-иш, 8-варак.

<sup>52</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 449-иш, 40-варак.

моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, мебель, гилам, идиш-товоқ ва бошқа зарурий жиҳозлар билан етарли таъминланмаган эди<sup>53</sup>.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* санаторий ва курорт муассасаларида кадрлар салоҳияти ва мазкур йўналишда вужудга келган камчиликлар ҳақида фикр юритилади. 1925–1991 йилларда курорт ва санаторийларда кадрлар масаласи энг муаммоли масалалардан бири бўлган. Доимий равишда кадрлар етишмовчилиги мазкур муассасаларнинг ўз ишини олиб боришга тўсқинлик қилган.

Санаторий ва курортларда фаолият юритган шифокорлар сонини даврлар бўйича таққослаш натижалари шуни кўрсатадики, дастлабки йилларда шифо масканларида мутахассислар етишмаган. 1930 йилларда Ўзбекистонда фақатгина 3 нафар физиотерапевт бўлган бўлса, 1975 йилда уларнинг сони 400 тага етган<sup>54</sup>. Бу рақамларни маълум бир санаторий ёки курортлар кесимида кўрганимизда ҳам бу ҳолат кўзга ташланади. Масалан, 1933 йилда Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институтининг Курортология бўлимида 13 нафар шифокор ва 13 нафар техник ходим хизмат қилган<sup>55</sup>. Шунингдек, 1938 йилда Шохимардон курортида беморларга 6 нафар шифокор - ординатор, шифокор - рентенолог, шифокор - лаборант ва тиш шифокори хизмат кўрсатган. Бундан ташқари, 15 нафар ўрта ва кичик тиббий ходимлар фаолият юритган<sup>56</sup>.

Дастлабки йилларда курорт ва санаторийлар тизимида фаолият юритадиган мутахассисларни тайёрлайдиган олий ўқув юрти мавжуд бўлмаган. Шу сабабли Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институти мазкур йўналишда фаолият юритадиган ходимларнинг малакасини ошириш билан шуғулланган. 1930 йиллардаёқ Н.А.Семашко номидаги институт физиотерапия ва курортология бўйича мутахассисларни тайёрлашга ўз хиссасини қўшган. Жумладан, Тошкент тиббиёт институти талабаларига бу соҳада дарс берилган ҳамда шифокорлар малакасини ошириш институтида физиотерапевтлар тайёрланган<sup>57</sup>.

Мазкур институт санаторий ва курорт йўналишида илмий ва педагогик кадрлар етиштириладиган муассаса ҳам ҳисобланган. 1953 йилда Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институтида 23 нафар илмий педагогик кадр, 6 нафар ординатор ва 6 нафар шифокор ишлаган. Ходимларнинг миллий таркибига эътибор берадиган бўлсак, ўзбеклар 8 нафар, руслар 11 нафар, яҳудийлар 10 нафар, арманлар 4 нафар ҳамда татарлар 1 нафарни ташкил этган<sup>58</sup>.

<sup>53</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 837-фонд, 41-рўйхат, 5692-иш, 45-варак.

<sup>54</sup> Шукуров А.К. Развитие физиотерапии и курортологии в Узбекистане за 50 лет (1924-1974 г) / Актуальные вопросы курортологии и физиотерапии в Узбекистане. Том 24. – Ташкент, 1975. – С. 7.

<sup>55</sup> 1-е совещание физиотерапевтов и курортологов УзССР. Хроника. Труды Государственного научного института физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко / Сборник III. – Ташкент, 1935. – С. 154.

<sup>56</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт хужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 133-иш, 83-варак.

<sup>57</sup> 1-е совещание физиотерапевтов и курортологов УзССР. Хроника. Труды Государственного научного института физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко / Сборник III. – Ташкент, 1935. – С. 152.

<sup>58</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт хужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 44/9-иш, 55-варак.

Республикада санаторий ва курортлар тизимида бошқарув ва кадрлар масаласида жиддий муаммолар мавжуд эди. 1954 йилда ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Курорт ва санаторийлар бошқармаси штати етарли эмас эди. Ҳатто баъзи санаторийларда етарли асбоб-ускуналар бўлса ҳам, кадрлар етишмаслиги сабабли улардан фойдаланилмаган. Масалан, “Чимён” санаторийсида 40 ўринли соляри ва даволаш хонаси бўлишига қарамасдан, 1953 йилда ходимлар етишмаслиги ҳамда санаторийда инфекциялар борлиги сабабли ишламаган<sup>59</sup>. Худди шундай ҳолатни Самарқанд, Наманган, Тошкент, Қашқадарё вилоятларидаги санаторийларда ҳам кўриш мумкин эди.

Йилдан-йилга сиҳатгоҳларда фаолият юритган мутахассислар сони ортиб борган ҳамда 1970 йиллар ўрталарида 88 нафар шифокор ва 209 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатган<sup>60</sup>. Шу йилларда Физиотерапия бўйича шифокорлар Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти физиотерапия курортология ва даволаш физкультура комплекси кафедрасида ҳамда Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институтида тайёрланган<sup>61</sup>.

Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти республиканинг даволаш профилактика муассасалари ва санаторийларининг физиотерапия даволаш физкультураси, массаж, лаборатория диагностикаси бўйича шифокорларнинг малакасини оширишга катта ҳисса қўшган. Бундай тайёргарлик қўрган тиббий ходимлар сони йилдан-йилга ошиб борган. Жумладан, 1982 йилда институт клиникасида 70 нафар шифокор ва 70 нафар ўрта тиббий ходим ўз малакасини оширган<sup>62</sup>.

**«Санаторий-курортларда даволаш ишларининг ривожланиши ва илмий-тадқиқот ишлари»** номли учинчи бобнинг *биринчи параграфида* ўрганилаётган даврда сиҳатгоҳларда даволаш ишлари билан боғлиқ жараёнлар таҳлил қилиниб, даволашнинг янги усуллари амалиётга татбиқ этилгани кўрсатиб берилган. Ўрганилаётган даврда курорт ва санаторийлар асосий шифо масканларидан бири бўлган. Чунки деярли ҳар бир муассаса ташриф буюрувчиларга ўзларининг даволаш хизматларини таклиф этган. Жумладан, курорт ва санаторийлардаги даволаш усуллари йилдан-йилга ривожланиб борган. Шу сабабли, ташриф буюрувчиларнинг соғлиқларини тиклашда ушбу шифо масканлари муҳим ўрин тутадиган маскан ҳисобланган.

1930 йилларда маҳаллий аҳоли санаторий ёки курорт сифатида фойдаланадиган сиҳатгоҳларда даволаниш жараёнлари мутахассислар томонидан тадқиқ этилади. Масалан, 1935–1936 йилларда Онкология институти маҳаллий аҳоли томонидан даволаниш учун фойдаланган Бухоро

---

<sup>59</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 446-иш, 11-варақ.

<sup>60</sup> Цветкова З.И. Состояние и перспективы развития здравниц профсоюзов Узбекской ССР / Актуальные вопросы курортологии и физиотерапии в Узбекистане. Том 25. – Ташкент, 1976. – С. 139.

<sup>61</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 728-иш, 11-варақ.

<sup>62</sup> Физический курортный фактор Узбекистана на службе здравоохранения / Сборник научных трудов.

– Ташкент, 1984. – С.4.

вилояти Қоракўл туманига яқинда жойлашган Хўжа Сайёд кўлига илмий экспедиция уюштирган. Мазкур экспедиция даволаш учун зарур бўлган балчиқ захираси етарли эмаслиги, бу ерда иқлим шароити оғир эканлиги ҳамда ҳудудда чучук сув ва кўкаламзорлар етишмаслигини аниқлашади<sup>63</sup>. 1937 йил 21–23 июлда Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти доценти Р.И.Евсеев Хўжа Сайёд кўлида даволаш ишлари аҳволини тадқиқ этиш учун боради. У маҳаллий аҳоли Хўжа Сайёд кўлининг даволаш хусусияти уни муқаддас деб билганлиги билан боғлайди. Лекин беморларнинг вақти қисқа бўлганлиги учун бу ерда даволанишнинг самарали эканлигини кузатиш имкони мажуд эмас эди. Масалан, 1937 йил 21 июлда кўлга 300 нафар киши келган бўлса, уларнинг ҳаммаси ўша куни қайтиб кетган. Шунингдек, кўлга келган кишиларнинг 10–12 фоизи ҳақиқатдан беморларни ташкил қилган ва қолганлари кўлга дам олиш учун келган<sup>64</sup>. Даволанишга келганлар 7 ёшдан 70 ёшгача бўлиб, уларнинг ичида эркаклар аёлларга қараганда 10 баробар кўп бўлган. Беморларнинг 90 фоизи маҳаллий аҳолини ташкил этган, яқинда жойлашган қишлоқлар ва район марказидаги хизматчилардан иборат бўлган. Баъзан Самарқанд, Чоржўй, Тошкент, Москвадан ҳам беморлар ташриф буюришган<sup>65</sup>.

1941 йилгача Ўзбекистон курортларида қимиз билан даволаш ўрганила бошлаган эди. Лекин урушдан кейинги йилларда бу усулдан фойдаланиш қайта тикланмади, жумладан, “Шоҳимардон” курортида яхши яйловлар борлигига қарамасдан, қимиз билан даволаш йўлга қўйилмади. Қимиз билан даволаш чўл санаторийларида жуда яхши натижалар берган. Нафақат маҳаллий аҳоли, балки аҳолининг европалик қатлами ҳам қимизни яхши кўриб, курортларда тизимсиз ва назоратсиз равишда қимиз ичганлар<sup>66</sup>.

Санаторий ва курортларда даволанишга йўлланаётган кишиларнинг саломатлиги, қайси касаллик билан касалланганлиги, ёши ҳисобга олинган ҳолда у ёки бу жойга даволанишга жўнатишган. Масалан, даволаш жойини ва мавсумини танлашда асосий касалликлари билан бирга, кўшимча касалликлар курортнинг иқлим хусусиятлари, беморнинг касаллиги ва аҳволи йил мавсумига боғлиқлиги ҳисобга олинган. Даволашда бемор одатий бўлган иқлим шароитида даволанса, яхши натижаларга эришиши аниқланган. Чунки бошқа иқлим шароитига мослашиши талаб қилинмаган. Айниқса, кекса ёшдаги беморлар ва сил касаллигига чалинган беморлар даволанишга жўнатишганда бу омиллар ҳисобга олинган<sup>67</sup>. Лекин курортлар, санаторийлар ва дам олиш уйларига жўнатишда жиддий камчиликлар бўлган. Хусусан, у ёки бу даволаниш муассасаси йўналишига тўғри келмайдиган ёки умуман, қарши бўлган касалликлар билан жўнатилиш ҳолатлари кузатишган. Бундан

<sup>63</sup> Евсеев Р.И., Бедер Б.А. Курортные ресурсы Узбекистана. Труды Государственного научного института физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко / Сборник IV. – Ташкент, 1935. – С.46.

<sup>64</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14 фонд, 1-рўйхат, 100- иш, 1- варақ.

<sup>65</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14 фонд, 1-рўйхат, 100- иш, 4- варақ.

<sup>66</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 445-иш, 87-варақ.

<sup>67</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14- фонд, 1-рўйхат, 573- иш, 6-варақ.

ташқари, узоқ масофага боришни кўтара олмайдиган беморлар уйларида узоқда жойлашган курортларга жўнатилиши ҳолатлари ҳам учраган. Шунингдек, асосий ёки кўшимча касалликлари ҳисобга олинмасдан жўнатилган беморларнинг аҳоли оғирлашиб қолган ҳолатлар ҳам кузатилган. Бундан ташқари, бошқа беморларга хавф туғдирган психик касаллари бўлган беморлар ҳам даволанишга жўнатилган ҳолатлар учраган. Даволанишга тўғри келмайдиган беморларнинг курорт ва санаторийларга жўнатилишининг энг кўп сони беморларни малакали текшириш имконияти мавжуд бўлган республиканинг катта шаҳарларига тўғри келган. Масалан, 1962 йилда жами 141 нафар шундай бемор бўлган бўлса, уларнинг 37 нафари Тошкент шаҳридан, 21 нафари Тошкент вилоятидан, 18 нафари Андижондан, 14 нафари Сурхондарёдан, 11 нафари Самарқанд вилояти ва Қорақалпоғистон АССР дан жўнатилган эди<sup>68</sup>.

Санаторийларда беморларнинг даволаниш муддатини таҳлил қилсак, кўпчилик санаторийларда бу муддатларга, умуман, амал қилинмагани кўринади. Масалан, “Чимён” санаторийсида ўпка силидан даволанаётган болалар зарур бўлган 2 ой ўрнига, ўртача ҳисобда 25 кун даволанган. Тошкентдаги 1-сонли санаторийда туберкулёзнинг фаол формасига чалинган болалар 120 кун ўрнига 45-60 кун мобайнида даволанган, бунга ўхшаш ҳолатни “Гова” санаторийсида, Самарқанддаги сил касаллигини даволаш санаторийсида, Тошкент вилоятидаги “8 Март” санаторийсида, шунингдек, “Красные майки” санаторийсида кўриш мумкин<sup>69</sup>. Бунинг сабаблари саралаш комиссияси кўп ҳолларда болаларни тиббий кўрсатмасига амал қилмасдан санаторийларга жўнатган, натижада, ҳақиқий даволаниш зарурияти бўлган болалар санаторийда даволаниш имконига эга бўлмай қолган.

1988 йилда ЎзССРда санаторийлар тармоғи фаолияти ошди ва улардаги ўринлар сони 57 минггага кўпайди. Шундай бўлса-да, соғлиқни сақлаш муассасаларида аҳолининг атиги 10 фоизда даволаниш ва дам олиш имконияти мавжуд эди<sup>70</sup>. 1989 йилда республикада 23 та физиотерапевтик шифохона, 4 та “Она ва бола”, Ўз ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 25 та болалар санаторийлари, турли идоравий филиаллар ва “Ўзбекистон колхозлари шифохонаси” (“Ўзбекколхоздравница”) республика бирлашмасининг 106 та санаторий-профилакториялари, “Ўзсовет” курортининг 11 та санаторийси ҳамда 3 та физиотерапевтик шифохонаси, Самарқанд ҳамда Тошкент шаҳридаги физиотерапевтик кабинетлар фаолият олиб борган<sup>71</sup>.

Сўнгги бобнинг *иккинчи параграфид*а илмий экспедициялар ва соҳа мутахассислари томонидан илмий-тадқиқот ишларининг йўлга қўйилиши жараёнлари ёритилган. 1925–1991 йилларда курорт ва санаторийларда илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилган эди. Бу тадқиқотларни, ўз навбатида, икки

<sup>68</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 573-иш, 12-варак.

<sup>69</sup> Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 446-иш, 6-варак.

<sup>70</sup> Социально-экономическое развитие Узбекской ССР в 1989 году. Сообщение Госкомстата УзССР // Правда востока. – 1989. – 31 январь.

<sup>71</sup> Физиотерапия вчера и сегодня // Правда востока. – 1989. – 10 октябрь.

йўналишга бўлишимиз мумкин. Биринчиси жойларга уюштирилган илмий экспедициялар бўлса, иккинчиси соҳага оид илмий изланишлар ташкил этади. Биринчи турдаги тадқиқотларнинг мақсади - Ўзбекистон ҳудудида янги минерал ресурслар манбаини аниқлаш ва шу асосда ўша жойларда курорт ёки санаторийлар очиш бўлган. Иккинчи турдаги илмий изланишлар соҳада вужудга келаётган муаммоларни ўрганиш ва уларга ўзларининг илмий жиҳатдан фикрини билдиришдан иборат бўлган.

Шифобахш жойларни тадқиқ этишда экспедицияларда шифокор курортологдан ташқари, физиклар, химиклар, метеорологлар, геологлар ҳам жалб қилинган. 1930 йиллардан бошлаб, Ўзбекистондаги санаторий ва курортлар фақатгина аҳолини даволаш ва уларга дам олиш шароитларини яратиб бериш билан чегараланиб қолмай, балки мазкур соҳани ривожлантириш учун ҳудудларга илмий экспедициялар ташкиллаштирган. Хусусан, 1932 йилда Ўзбекистон Гидрометеорология институти томонидан республикадаги шифобахш жойларни ўрганиш бўйича экспедиция ташкил этилган<sup>72</sup>.

1934–1936 йилларда Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институти ҳамда Ўрта Осиё давлат университети илмий ходимлари томонидан “Оғалиқ”, “Водил”, “Номозгоҳ”, “Гова”, “Ёнғоқзор”, “Уч Қизил”, “Хўжа ипак”, “Ялонғоч” ва “Заркент” курорт ва санаторийлари тадқиқ этилди. Унинг натижалари Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институтнинг тўпламларида чоп этилди<sup>73</sup>. Н.А. Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институтининг Курортология бўлими томонидан 1934–1940 йилларда 60 дан ошдиқ шифобахш жойлар тадқиқ этилган бўлиб, улардан 30 га яқини тоғ-иқлими, 18 таси минерал сув манбалари билан бальнеологик ва 17 та шифобахш лойлик кўллар аниқланган. Тадқиқ этилган тоғ-иқлими жойларининг аксарияти 1950 йилларгача курортлар, санаторийлар, дам олиш уйлари, болалар санаторий-профилактика муассасалари сифатида ишлаган.

Республикада курортология соҳасидаги изланишларнинг иккинчи даври Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди ва бу даврда Н.А. Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институт ходимлари чуқур кудуқлардаги сувларни ўрганиш билан шуғулланди. 1941 йилдан 1950 йилларнинг бошларигача Ўзбекистонда 100 дан ортиқ минерал сувлар манбалари ўрганилди. Улардан ер юзига олиб чиқилган 45 та минерал сув манбалари ва табиий равишда чиққан 15 та минерал сув манбалари даволаш хусусиятига эга деб топилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда курорт ишлари алоҳида ривожлана бошлади. Р.И.Евсеев, В.М.Файбушевич, Ё.К.Мўминов,

<sup>72</sup> Вольман З.Я. Экспедиция Узгимейна по обследованию новых курортных мест УзССР - летом 1932 г. / Сборник работ посвященный 25-летней научно-врачебной и общественной деятельности профессора Евгения Александровича Нильсена. – Ташкент, 1933. – С. 31-32.

<sup>73</sup> Евсеев Р.И., Бедер Б.А. Курортные ресурсы Узбекистана / Труды Государственного научного института физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко. Сборник IV. – Ташкент, 1935. – С. 36.

Г.М.Фрейдович, А.П.Дринкин, Л.Г.Молдаванова каби олимлар томонидан турли хил кимёвий таркиб ва хусусиятларга эга бўлган олтингугуртли, радонли, шўрли, кремнийли, ишқорли, минерал сувлар, шифобахш лойга эга бўлган қулай шароитларга эга иқлим жойлари тадқиқ этилган эди.

Совет Иттифоқда қабул қилинган гелиотерапевтик конструкция асосида Ўзбекистоннинг бой қуёш радиациясидан фойдаланиш масалалари ҳар томонлама ўрганилган. Р.И.Евсеев, В.М.Файбушевич, Г.М.Фрейдович, Р.А.Каценович, Е.А.Чернявиский, Ё.К.Мўминов, З.А.Далимов, А.П.Дринкин, М.И.Кетко, А.С.Содиқов, С.А.Қосимов, А.К.Шукуров, Р.П.Пўлатов, У.М.Шоғуломов, Т.В.Толмачева каби олимлар томонидан замонавий физиотерапияда маҳаллий шифобахш маҳсулотларнинг турли касалликларга таъсири ва электрфарез, микровол, ультразвук турли усуллар ёрдамида ишлаб чиқилган. 1976–1980 йилларда Ўзбекистондаги тиббиёт соҳаси тадқиқотчилари томонидан 100 дан ортиқ илмий ишлар нашр қилинган<sup>74</sup>. 1972 йил январида Тошкент шаҳрида Санаторий-профилакториялар ишини такомиллаштириш бўйича биринчи республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди<sup>75</sup>.

Яна шуни айтиш керакки, илмий экспедициялар маҳаллий аҳоли тиббий жиҳатдан фойдали деб ҳисоблаган сувлар ёки бошқа турдаги минерал ресурсларни илмий жиҳатдан ўрганган. Ушбу ўрганишлар натижасига кўра, айрим минералга бой деб ҳисобланган жойларда инсон соғлиғи учун фойдали бўлган моддалар топилмаган. Ўзбекистон Н.А.Семашко номидаги Физиотерапия ва курортология илмий-текшириш институти томонидан 1982, 1986, 1987 ва 1988 йилларда Бухоро областининг Ромитон районидаги Хўжа Уббон жойи текшириб чиқилган. Булоқдан олинган сув ва шу жойга туташ территориянинг тупроғи ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Физиотерапия ва курортология ҳамда Республика Тупроқшунослик ва агрохимия институтининг лабораториясида бир неча марта ўрганиб чиқилган. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, Хўжа Уббон чашмасининг суви оддий сувнинг ўзи бўлиб чиққан. Шунингдек, тупроқнинг минерал таркибида ҳам бирон янгилик топилмаган<sup>76</sup>.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қадимдан Ўзбекистон ҳудудида аҳоли минерал ресурсларга бой ҳудудлардан шифо маскани сифатида фойдаланиб келган. XIX аср охирларидан бошлаб, мазкур шифобахш жойларни илмий асосда тадқиқ этиш бошланди. Натижада, 1910–1920 йилларда ушбу жойларда курорт ва санаторийлар қуриш ташаббуси кўтарилди. 1920 йиллардан бошлаб,

<sup>74</sup> Юлдашев К.Ю., Маджидов Н.М. Успехи медицинской науки в Узбекистане за 60 лет // Медицинский журнал Узбекистана. 1977. – № 4. – С. 40.

<sup>75</sup> Кетко М.И., Тошпулатова Н.Ю. Санатории-профилактории в оздоровлении трудящихся Узбекистана / Актуальные вопросы курортологии и физиотерапии в Узбекистане. Том 23. – Ташкент, 1974. – С. 23.

<sup>76</sup> Авлиёбобонинг сири // Совет Ўзбекистони. – 1989. – 11 январь.



Ўзбекистон ҳудудидаги шифобахш жойларда курорт ва санаторийлар қуриш бошланди. Мазкур жойларни аниқлаш учун бир нечта илмий экспедициялар ташкиллаштирилди ҳамда ушбу экспедициялар ҳулосалари асосида жойларда шифо масканлари барпо этилди. Мазкур муассасалар касалликларни даволовчи санаторий ва курортларнинг замонавий турларига асос бўлиб хизмат қилган.

2. 1930–1960 йилларда санаторийларни фақатгина тоғли ва шифобахш булоқлар ёнида қуриш билан чегараланмасдан, балки шаҳар ҳудудларида ҳам бундай шифо масканларини барпо этишга киришилди.

3. Ўзбекистон ҳудудида маълум бир касалликларни даволашга мўлжалланган санаторий ҳамда курортларни ташкил этиш 1950-1980 йилларда ривожланди. Хусусан, курорт ва санаторийлар бир нечта турларга бўлинган. Бу тақсимлаш, асосан, ўша курорт ёки санаторийнинг асосий йўналишидан келиб чиққан. Масалан, маълум бир шифо масканлари сил касаллигига чалинган беморларга хизмат кўрсатишга мослашган эди. Бу санаторийларнинг мақсади - ушбу касалликка чалинган беморларнинг соғайиш муддатини қисқартиришга ёрдам беришдан иборат бўлган.

4. Ҳудудда болалар соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган махсус курорт ва санаторийлар ҳам мавжуд эди. Ушбу тарихий жараёнларни ўрганиш натижасига кўра, болалар санаторийларини ташкил этишни уч даврга ажратишимиз мумкин. Биринчи даври - 1940 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда, асосан, болалар учун умумий соғломлаштириш санаторийлари ташкил этилган. Иккинчи даври - Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилдан - 1952 йилларни ўз ичига олиб, мазкур даврда болалар санаторийларининг аксариятида сил касаллигига чалинган бемор болалар даволанган. Учинчи давр - 1952 йилдан бошланиб, маълум бир касалликлар бўйича болалар санаторийларини ташкил этиш даври ҳисобланади.

5. Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган даврда курорт ва санаторийлар сони йилдан-йилга ошиб борган бўлса-да, улардаги шароитлар талаб даражасида бўлмаган. Бу муаммо, биринчи навбатда, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатадиган бинолар сони етишмовчилиги билан боғлиқ эди. Мавжуд бинолар ҳам талабга жавоб бермаслиги оқибатида курорт ва санаторийлар ишларида узилишлар бўлиб турган. Шунингдек, шифо масканларини водопровод ва канализация тизими билан таъминлашда ҳам камчиликлар кузатилган.

6. Мазкур соҳада кадрлар масаласи энг муаммоли масалалардан бири бўлган. Чунки дастлабки даврларда бу йўналишда кадрлар тайёрлаб берадиган олий ўқув юрти мавжуд бўлмаган. Кейинчалик маълум бир илмий-текшириш бу соҳада хизмат қилаётган кадрларнинг малакасини оширишга ёрдам берган. Шунингдек, соҳадаги кадрлар қўнимсизлиги бу йўналишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқарган.

7. Мазкур шифо масканларида дастлабки йилларда фақатгина балчик, лой ва минерал сув каби табиий ресурслар орқали даволанилган бўлса,

кейинчалик янги технологияларни қўллаган ҳолда махсус даволаш усулларида фойдаланиш бошланган. Натижада, йилдан-йилга курорт ва санаторийларда даволанган беморлар сони ҳам ошиб борган.

8. 1925–1991 йилларда курорт ва санаторийларда илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилган. Бу тадқиқотларни, ўз навбатида, икки йўналишга бўлиш мумкин. Биринчиси, жойларга уюштирилган илмий экспедициялар бўлса, иккинчиси, соҳага оид илмий изланишлардир. Биринчи турдаги тадқиқотларнинг мақсади - Ўзбекистон ҳудудида янги минерал ресурслар манбаини аниқлаш ва шу асосда ўша жойларда курорт ёки санаторийлар очиш бўлган. Иккинчи турдаги илмий изланишлар соҳада вужудга келадиган муаммоларни ўрганиш ва уларга нисбатан ўз илмий фикрларини билдиришдан иборат бўлган.

Тадқиқот иши натижалари бўйича чиқарилган хулосалар ва тадқиқот этилган муаммолар ечимлари қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суришга асос бўлди:

1. Мазкур диссертация материаллари асосида тиббиёт соҳасининг бир қисми бўлган санаторий-курортлар тарихини умумлаштириш мақсадида Ўлкашунослик музейлари ҳамда тиббиёт музейларининг тарих бўлимларига иллюстрациялар, тарихий ҳужжатлар тайёрлаш ва жойлаштириш тавсия этилади.

2. Санаторий-курортлар соҳаси бўйича олиб бориладиган тадқиқотларни чуқурлаштириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида, тиббиёт фанлари доирасида фанлараро илмий ишланмаларни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, тиббиёт олий таълим муассасаларида “Курорт омиллари” бўйича яратилган курсларни янги маълумотлар билан тўлдириш лозим.

3. Вилоят, шаҳар ва туманларда аҳолини санаторий-курортларда даволаниш эҳтиёжларини доимий ўрганиш асосида Ўзбекистонда рекреацион ресурслардан тўғри фойдаланган ҳолда тиббий туризм соҳасини ривожлантириш зарур.

4. Мавзуга тегишли тарихий манбалар (архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари) асосида хрестоматия ва ҳужжатлар тўплами тайёрлаш зарурияти мавжуд.

5. Мазкур иш материаллари, ўрганилган маълумотлар асосида тиббиёт институтлари, шунингдек, тарих факультетлари талабалари учун бугунги кун пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда тиббиёт тарихи бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Tar.01.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**АХМЕДОВА РАШИДАХОН МУКИМОВНА**

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ САНАТОРНЫХ И КУРОРТНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ  
В УЗБЕКИСТАНЕ (1925–1991 гг.)**

**07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации на соискание учёной степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Tag 300.**

Диссертация выполнена в Кокандском государственном педагогическом институте имени Мукими.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Национального университета Узбекистана ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Шадманова Санавар Базарбаевна**  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ишанходжаева Замира Раимовна**  
доктор исторических наук, профессор

**Муминова Гавхар Эсоновна**  
доктор исторических наук

**Ведущая организация:**

**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc03/30.12.2019.Tag.01.04 по присуждению учёных степеней при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Мирза Галиба, факультет истории Национального университета Узбекистана, 1-й этаж, аудитория 110. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Национальный университет Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_) (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Главное здание). Тел.: (99871)236-46-55, факс (99871) 246-02-04).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**А. А. Маврулов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.и.н., профессор

**Д. Ж. Ураков**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
к.и.н.доцент

**Н. У. Мусаев**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.и.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях происходящих в мире климатических изменений, загрязнения атмосферного воздуха и водных бассейнов важное значение приобретает – особенно сегодня, в условиях пандемии – обеспечение здоровья человека. Поэтому во многих странах мира усиливается внимание к медицине. В настоящее время в системе здравоохранения одно из ведущих мест занимают санатории и курорты. Эти структуры являются не только местами отдыха, но имеют важное значение в восстановлении здоровья человека. Одной из функциональных задач санаторно-курортной системы является эффективность мер, предпринимаемых в медицине, и обеспечение здоровья человека в обществе.

В настоящее время по всему миру в ведущих научно-исследовательских центрах и соответствующих высших образовательных учреждениях проводятся исследования, направленные на изучение оказания лечебно-профилактической помощи населению по узким специальностям, внедрение инновационных методов лечения и оздоровления, разработку классификаторов организации обычных медицинских услуг в санаториях, формирование комплексной базы данных для эффективного управления, совершенствования стандартов лечения в санаториях и курортах. Данная работа служит разработке научных подходов к истории формирования курортной системы.

В годы независимости в процессе реформ, направленных на развитие современной медицины, большое внимание уделяется широко использованным в прошлом медицинским знаниям и традиционной народной медицине. В частности, в Стратегии действий дальнейшего развития Узбекистана по пяти приоритетным направлениям в 2017–2021 годах определены такие задачи, как укрепление деятельности, направленной на сферу здравоохранения и, прежде всего, на повышение доступности и качества оказания медицинской и медико-социальной помощи населению<sup>1</sup>, поскольку изучение народной медицины и истории медицины, а также продуктивное использование многовекового опыта в современной медицине обретает большое научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 217 от 2 августа 2013 г. «О мерах по дальнейшему улучшению деятельности оздоровительного центра “Чорвок оромгохи”»; № 26 от 1 февраля 2011 г. «Об утверждении Положения о медицинском и санаторно-курортном обеспечении в Вооружённых силах

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // <http://lex.uz/docs/3107042>

Республики Узбекистан»; № 45 от 18 февраля 2013 г. «О мерах по дальнейшему развитию курортно-реабилитационного санаторий ООО “Oq-tosh sanatoriysi” Совета Федерации профсоюзов Узбекистана»; и других нормативно-правовых актах, относящихся к сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** История медицины, являющейся важной сферой социальной жизни, всегда привлекала пристальное внимание исследователей. В конце XIX – начале XX вв. в крае были собраны материалы и изданы десятки обзорных статей по истории медицины и народного целительства<sup>2</sup>. Их авторы были специалистами, имевшими богатый опыт в медицине, ветеринарии, санитарии, ими были собраны ценные сведения, отражающие местный опыт и традиции, а также проблемные пункты в каждой из указанных сфер.

Целесообразно условно разделить научную литературу, относящуюся к теме, на три группы: 1) литература, изданная в Российской империи и советский период; 2) работы, созданные в период независимости; 3) зарубежные издания.

Литературу, относящуюся к первой группе, составляют научные труды, изданные в царской Российской империи и в советский период; первые исследования в этом направлении были осуществлены такими учёными, как В. И. Кушелевский, Г. А. Колосов, А. Л. Шварц, И. П. Суворов, А. В. Пославская, Е. Н. Мандельштам, Н. Б. Тейх, Д. Н. Логофет, Г. Леонов, П. П. Сакрич, К. М. Афрамovich, И. Д. Успенский<sup>3</sup>.

К ряду исследований советского периода относятся научные труды таких учёных, как Е. А. Нильсен, Б. В. Лунин, Н. М. Махмудова,

---

<sup>2</sup> Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. В 3-х т. – Новый Маргелан, 1890-1891; Колосов Г. А. О народном врачевании у сартов и киргизов Туркестана // Медицинская помощь инородцам и их отношение к русским врачам. – СПб., 1903.

